

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ВА ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНЛАРНИНГ ХОЗИРГИ КУНДА АҲАМИЯТИ.

Джаналиева Гулбахрам Абдурашитовна- ТМС
“Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчи
Шарипова Арзигул Баходир қизи
326 сонли иқтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси
Хамидуллаева Рисолат Хаёт қизи- ТМС
“Педагогика ва психология” йўналиши 2 курс талабаси

Жамият ривожининг бугунги кундаги босқичи бевосита, технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замонавий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказмокда. Айниқса, ахборот узатиш тизимида тобора янги ўзгаришлар ва технологиялар ривожланиб, кучайиб бормоқда. Инсонларда ахборот ва коммуникацион технологиялар ҳамда компьютер технологиясидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда ва улар такомиллашмоқда. Республикаиз таълим соҳасида улардан фойдаланиш ўқитиш сифатини оширига, ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини ошириш ва кенгайтиришга, уларда мустақил ўзлаштириш фаолиятини кучайтириш ҳозирги замоннинг долзарб масаласига айланиб қолди.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг бир қатор дидактик имкониятлари мавжуд. Давримиз талаб эҳтиёжига кўра ахборот технологияларини таълим муассалари ўқув жараёнини тизимлаштирувчи, боғловчи, амалий ташкилий омил сифатида қаралиши мумкин. Ахборот технологиялари кутубхоналар, хужжатлар ва талабаларнинг ижодий ишлари каби ахборотлар жамланмаси, маълумотлар баъзасини тузиш, таълим жараёнини тизимлаштириш, талабаларнинг амалий ижодий ишлариини ташкил қилиш имконини беради.

Бу барча воситаларни талабалар ўқитувчининг назорати остида, дарсда шакллантирган амалий қўникма, малакаларини амалга ошириш имкони беради. Интернет тармоғи талабаларга жадаллик билан таълим муасаса ишлари билан танишиш, ўз фикрларини жойлаштириш имконини яратади. Интернет тармоғига чиқиши орқали назорат ишлари тарқатилиши ва маҳаллий электрон почтадан қабул қилиниши мумкин. Бундай кўринишдаги ишлар дарсда масофавий таълимнинг тармоқ шаклларини моделлаштиришга ёрдам беради.

Кундан-кунга масофавий тармоқ курслари ва танловлари оммалашиб бормоқда. Ўқитувчи энди билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, компьютер технологияларини қўллаш билан масофавий таълим бериш ва олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Талабалар кўпинча Интернет тармоғи орқали

ўз-ўзини ўқитиш билан қизиқиб шуғулланмоқдалар, ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар, умумий қизиқишларни топадилар.

Ахборот технология воситалари талабага ўз тасаввурларини “электрон кўриниш”да намоён этиш ва ўз маҳсулотининг рақобатдошлигини, ўз ғояларини оммавийлигини текшириш имконини беради. Талабага ҳақиқий қизиқарли ва ўзига хос ресурс яратиш учун у биринчи навбатда, барча маълумотларни ўрганиб чиқиши, унинг талаблари руҳиятининг хусусиятларини сезиши, ресурснинг янгилигини белгилаши ва амалий аҳамиятини англаб этиши зарур. Буларнинг барчаси талабанинг ўз билимдонликларини шакллантиришга, унинг ҳаётдаги амалий йўналишини белгилаш малакаларига тегишлидир.

Республикамизда электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишга мўлжалланган ахборот-педагогик технологиялари воситаларини ривожлантириш, шунингдек, масофали ўқитишни ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Электрон адабиётлар яратишнинг илмий-услубий томонлари кўпгина олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Масофали ва очиқ таълим тушунчасини кўпинча бир-бири билан аралаштириб юборишади, ҳаттоқи бир деб тушунишади. Лекин таълим беришнинг масофали шакли ўқитиш технологияси ҳисобланади. Шунинг учун масофали таълим бериш эмас балки, масофали ўқитиш дейиш тўғри бўлади. Масофали ўқитишни таъминлашда таълим бериш технологиялари мажмуи кўлланилади. Масофали ўқитишни ташкил қилишда электрон дарсликлар асосий муҳим омил ҳисобланади. Шу боисдан аввал электрон дарсликлар ҳақида фикр юритилади.

Электрон дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёт ва дидактик талаблар асосида белгиланган, муайян ўқув фаннинг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган бўлиши эканлигини таъкидлаш жоиз.

Электрон дарслик компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини кўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлади. Яъни:

- ўқув ва амалий материаллар факат вербал (матн) шаклида;
- ўқув материаллар вербал ва икки ўлчамли график шаклда;
- мултимедиа (кўп ахборотли) кўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишида, овозли, видео, анимация ва қисман вербал шаклда;
- тактик (ҳис қилувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчи (tinglovchi-ўқувчи)ни “электрон оламида” стерео нусхаси тасвирланган ҳақиқий оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Электрон дарслик яратишда учта асосий компонент:



- ўқув материални баён этиш;
- амалий машғулотлар бажариш;
- тескари алоқа (талабалар томонидан билимларни ўзлаштираётганлик даражасини аниқлаш жараёни)лар эътиборга олинади.

Электрон дарслик талаба билим олишини вақт бўйича чегараламайди, талабанинг хоҳишига кўра қисқариши ёки камайиши мумкин. Электрон дарслик талабаларга ахборотни ўқиш, дарсларни тинглаш, амалий машғулотларга мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шаклларини тавсия этиш мумкин. Электрон дарсликнинг ҳар бир бўлимидан сўнг ўқув материалини мустаҳкамлаш учун саволлар ва машқ ҳамда топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқдир.

Масофали ўқитишида электрон дарсликлардан фойдаланиш орқали ўқувтарбия жараёни жадаллаштирилади ва унинг асосий омиллари:

- бир мақсадга йўналтирилганлигини кўриш;
- талабаларнинг мотивациясини қучайтириш;
- ўқув мазмунини ахборотли ҳажмини кенгайтириш;
- талабаларнинг ўқув-билиш ҳаракатини фаоллаштириш;
- талабаларнинг амалий фаоллик даражасини тезлаштиришларини киритиш мумкин.

Юқорида баён этилганлар асосида электрон дарсликларни яратиш тамойиллари қуидагилар:

- ўқув ахборотларни нотекис ва кўп даражада тасвирлаш;
- талабага мустақил ва индивидуаллаштирилган билим олиши;
- талабанинг психик фаолиятини кузатиш ва амалий фаоллигини ривожлантириш хусусиятларини интеграциялаш.

Электрон кутубхона-Интернетнинг ажойиб имкониятларидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шаклидир. Кутубхона деганда, одатда, кўплаб китоблар териб қўйилган, узун, катта жавонлар жойлашган хоналар кўз олдимизга келади. Электрон кутубхонада жавонлар вазифасини жилдлар, китоблар вазифасини эса Интернет сахифалари бажаради. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишда бўлади ва улар компьютерда жойлашади. Бу кутубхонадан фойдаланиш жуда қулай. У орқали Сиз дунёнинг ихтиёрий нуқтасидаги электрон кутубхона маълумотларидан фойдалана олишингиз мумкин. Яна бир қулай томони зарур маълумот нусхасини кўчириб олишингиз мумкин. Электрон кутубхонадан фойдаланишингиз учун компьютер, модем ва Интернет тармоғи бўлиши етарли. Фараз қиласайлик, бирор бир маълумот билан танишиш учун электрон кутубхонадан фойдаланмоқчисиз. Компьютер ва Интернет ёрдамида маълумотни бир неча дақиқада топиш мумкин. Маълумот

дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан бир зумда сизнинг компьютерингиз экранида тасвирланади. Бунинг учун Сиз компьютерингиз тутмачасини босишингиз ва электрон кутубхонага киришингиз этарлидир. Бир неча дақиқада маълумот кўз олдингизда намоён бўлади. Бу мужизани эслатади. Бу мужиза виртуаллик деб аталади. Унга факат компьютер ва маҳсус тармоқ орқали эришиш мумкин. Бир неча йил аввал бир мақолани топиш учун ойлаб вақт сарфлаш зарур эди. Бугун эса бу мақсадни амалга ошириш учун бошқа шаҳарга бориш ва вақт сарфлаш зарурати йўқолди. Электрон кутубхоналар ёрдамга келди.

Электрон кутубхоналар шу турдаги ташкилотларки, улар рақамли асарлар коллекцияларини маълум бир жамоалар ёки жамоалар мажмуига осон ва иқтисодий жиҳатдан қулай ҳолда фойдаланиш учун тақдим қиласи; саралаш, структурасини тузиш, интеллектуал йўл очиш, талқин қилиш, тарқатиш, тўлалигича сақлаб қолиш учун зарур ресурслар, шу жумладан, ихтисослашган ходимлар билан таъминлайди.

Шунингдек:

1. Рақамли кутубхоналар электрон ресурслар мажмуи бўлиб, ахборотни яратиш, излаш ва фойдаланиш учун зарур техник қувватларни ўз ичига олади. Бу маънода улар ахборот сақлаш ва қидирув системаларини тўлдиради ва кенгайтиради; дистрибуотлашган тармоқлардан жоб олиб, ҳар қандай қўринишдаги медиа (матн, сурат, овоз, сокин ва динамик суратлар)ни манипулятсия қиласи. Рақамли кутубхонанинг таркибида маълумотнинг ўзи ва унинг турли хоссаларини тасвирлайдиган метадата (масалан, акс эттириш (*репрезентатион*) йўллари, яратувчиси, эгаси, қайта бўйича ҳуқуқлар ва ҳок.) ва бошқа маълумот ёки метадата (ташқи ёки рақамли кутубхона ичидаги)га бўлган линк ёки муносабатни кўрсатадиган элементлардан ташкил топган бўлади.

2. Электрон кутубхоналар фойдаланувчилар жамоаси томонидан шакллантирилиб, уларнинг функционал имкониятлари ўша жамоанинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Улар жамоаларнинг ажralmas қисми бўлиб, бундаги якка шахс ва гурухлар бир-бири билан маълумот, ахборот ва билим ресурслари ҳамда системалари орқали алоқада бўладилар. **Шу маънода электрон кутубхоналар фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун турли ресурслар тўпланиб, сақланиб, ва тақдим этиб келинадиган анъанавий информацион ташкилотларнинг мантиқий давоми, кенгайиши ва интеграциясидир.** Шу каби информацион ташкилотлар сирасига кутубхоналар, музейлар, архивлар ва мактабларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, электрон кутубхоналар синфхона, офис, лаборатория, уй ва бошқа ўринлардаги фаолиятни мазмунан бойитади.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, том маънодаги электрон кутубхона кўпчилик фикрлаганидек бир неча ўнлаб китобнинг электрон

версияси жойлаштирилган веб-сайтдан фарқли хусусиятларга эга. Бу нафақат ташаббускор фойдаланувчи ёки фойдаланувчилар жамоаси томонидан Wordpress, Joomla ёки бошқа оммабоп контентни бошқариш системаси (CMS)нинг бирламчи версиясига жойлаштириб чиқилган электрон матнлар ва ҳоказо файллар мажмуи, балки маълум тайёргарликка эга бўлган мутахассислар томонидан библиографик имкониятлари кенг бўлган дастурдан фойдаланган ҳолда, ресурсларни самарали излаб топилиши мақсадида тўғри метадата билан таъминланган, доимий фаолият кўрсатиши учун мунтазам равишда бойитилиб, ҳамда молиявий қувватланиб келинадиган бутун бошли тузилма ҳамдир. Шу ўринда электрон кутубхоналар билан чалғитиши осон бўлган бошқа нарсаларни ажратиб олсак:

Бу электрон кутубхона ЭМАС (балки кутубхона веб-сайти):



Электрон кутубхона имкониятлари электрон кутубхона одатдаги кутубхонага қараганда бир қанча қулайликларга эга. Электрон кутубхона ресурслари компьютер хотирасига жойланган бўлади. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишида бўлиб, компьютерда рақамли форматда, маҳсус компьютерлар — Серверларда жойлашади. Электрон кутубхонадан фойдаланиш учун компьютер, модем ва интернет тармоғи бўлиши этарли. Биз эса шу кутубхона жойлашган интернет манзилини билсак кифоя. Электрон кутубхонада масъул мутахассислар маълумотларни мунтазам равишда компьютерга киритади ва йиғади. Яъни маълумотлар доимо янгиланиб турилади ва кутубхона ҳажми кенгайиб боради. Электрон кутубхонада кутубхоначи бўлмайди, шунинг учун зарур китоб ёки маълумотни компьютер жавонларидан ўзингиз қидирасиз.

Одатдаги кутубхона сингари электрон кутубхона маълумотлари мавзу ёки алифбо бўйича тартибланади. **Ziyonet** портали ҳам фойдаланувчилар учун электрон кутубхона имкониятини тақдим этади – бунинг учун порталнинг “Кутубхона” бўлимига кирсангиз кифоя. Сўнгги маълумотларга кўра, портал кутубхонасидан 7000 га яқин турли ҳажмдаги ва турли



кўринишдаги илмий ахборот ресурслари жой олган. Улар асосан юртимиз олий ўкув юртлари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, вилоят халқ таълими бошқармалари, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа турли таълим муассасаларида хамкорлик қилиб келаётган 400 га яқин масъуллар кўмагида жамланганини алоҳида эътироф этиш лозим. Энг муҳими, адабиётларнинг аксарияти ўзбек тилидадир. Кутубхонада жамланган адабиётлар 9 та йирик гурух тоифасида таснифланади. Ўз-ўзидан ҳар бир гурух кичик бўлинмаларга ҳам бўлинади. Гуруҳлар қўйидагилар:

- математика ва табиий фанлар таълими;
- техника ва технологиялар йўналиши таълими;
- тиббиёт ва фарматсевтика таълими;
- ижтимоий-гуманитар таълим;
- иқтисодиёт ва бошқарув йўналиши таълими;
- маданият ва санъат йўналиши таълими;
- юридик таълим;
- педагогик таълим;
- ҳарбий таълим.

Сиз юқоридаги бўлимлардан ўзингизга кераклисига киришингиз ва адабиётларни кўздан кечириб чиқишингиз мумкин. Ҳар бир адабиётни кўчириб олиб, кўз югуртириб чиқиш одатда маълум вақт талаб этади. Устига-устак шу мавзуда адабиётлар кўп бўлган тақдирда айнан кераклисини ажратиб олиш учун яна вақт зарур. Бунда вақтни тежашнинг осон йўли бор – сиз адабиётлар рўйхатида ҳар бир адабиётга ёзилган қисқа шарҳлар кўмагида дарров ўзингизга кераклисини танлашингиз мумкин.

Зарур адабиётни тезроқ топишнинг яна бир осон йўли — порталнинг бошқа бўлимларида бўлгани каби, “Кутубхона” бўлимида ҳам қидирув тизими мавжуд. Қидирув майдонига ўзингизга зарур адабиёт номини ёки мавзуни ёзасиз ҳамда қидирувга буйруқ берасиз. Саноқли сонияда тизим топилган адабиётларни эътиборингизга тақдим қиласи. Энг муҳими, сиз мазкур илмий ресурсларни нафақат кўздан кечириш ёхуд ўқиши, балки кўчириб олиш имконига ҳам эгасиз.

